Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши

ҚАРОРИ

2019 йил 7 октябрь **216/35-V-сон** **Янгиер шаҳри**

Янгиер шаҳридаги номланмаган ёки лойиҳадаги кўчаларга ном бериш тўғрисида

Кун тартибидаги масала депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сирдарё вилояти топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг 2019 йил 9 июлдаги “Янгиер шаҳридаги айрим маҳаллалар ва кўчаларни номлаш ҳамда қайта номлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда Янгиер шаҳар адлия бўлимининг 2019 йил 4 октябрдаги норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги "Географик обектларни номлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2019 йил 5 апрелдаги номланмаган ёки лойиҳадаги кўчаларга ном бериш тўғрисида”ги 01/03-1833-сонли топшириғига асосланиб, Янгиер шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан номланмаган кўчаларга ном бериш тўғрисида таклифлари асосида топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг 2019 йил 9 июлдаги “Янгиер шаҳридаги айрим маҳаллалар ва кўчаларни номлаш ҳамда қайта номлаш тўғрисида”ги қарори билан таклиф этилган кўча номлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ИИБ бошлиғи (У.Обидов), шаҳар адлия бўлими (И.Каюмов) шаҳар статистика бўлими бошлиғи (Ж.Кучмуродов), шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Қ.Аҳмедов), давлат хизматлари маркази директори (О.Назаров), шаҳар маҳалла кенгаши бошқаруви раиси (Ж.Рахмонов) вилоят “Ермулкадастр” ДК Янгиер шаҳар филиали бошлиғи (Ф.Бабатаев), шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи (А.Қарабаев) ва тегишли мутасадди ташкилотлар:

мазкур қарорнинг 1-иловаси асосида амалга оширилаётган ўзгаришларни эътиборга олсин ва қарордан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссияси раиси ўринбосари (А.Абдуқодиров), Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашининг “Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар масалалари бўйича” доимий комиссия раиси (Ҳ.Қодиров) ва республика “Маънавият тарғибот маркази” шаҳар бўлинмаси бошлиғи, комиссия аъзоси (А.Ниёзқулов)га:

бир ҳафта муддатда ҳудудларда янги номланган кўчаларнинг номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, белгиланган тартибда замонавий кўринишдаги (лотин ёзувида) пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш чораларини кўриш;

пешлавҳалар ўрнатиш ва молиялаштириш юзасидан тегишли ташкилотларга кўрсатмалар бериш ва назоратга олиш вазифалари юклансин.

5. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия аъзолари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Янгиер шаҳри бошқаруви раиси (Ж.Раҳмонов) ва МФЙ раислари:

бир ҳафта муддатда ҳудудларда янги номланган кўчаларнинг номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиласин.

6. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси (У.Обидов):

фуқароларнинг хорижга чиқиш, кириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳудудларда янги номланган кўчаларга алоҳида эътибор қаратсин;

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи паспортларига янги номланган кўчаларнинг номлари билан ёзилишини доимий назоратга олсин.

7. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (З.Миррахимов) ҳудудларда янги номланган кўчаларнинг номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ижтимоий тармоқларда маълумотлар берсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ҳ.Қодиров ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Абдуқодиров зиммаларига юклатилсин.

9. Мазкур сессия қарори ва аҳоли пунктлари номига ўзгартириш киритиш бўйича ҳужжатлар Сирдарё вилояти ҳокимлигига тақдим этилсин.

10. Қарор расмий нашрда эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **И.Хўжаев**